



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2022 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига асосан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун:

Биринчи даражали Давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

Санакулов Кувандик, Снитка Николай Павло-

вич, Усманов Рустамжон, Эргашев Улугбек Абдурасулович, Мустақимов Отабек Маннабиевичга – “Технологик ва ишланиши мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ва ўзлаштиришнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” бўйича илмий-амалий ишланмаси учун;

адабиёт соҳасида:

Каримов Наим Фатиховичга – “Абдулла Қодирий замондошлари” асари учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида:

Аликулов Алишер Махмудовичга – Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий илмий-тадқиқот маркази ҳамда Тошкент шаҳридаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида жойлашган “Шон-шараф” музейида ишланган маҳобатли рангасвир асарлари учун.

Иккинчи даражали Давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

Квинт Владимир Львовичга – “Амир Темур-

нинг стратегик етакчилиги: “Тузуқлар”га изоҳлар” илмий монографияси учун;

санъат ва меъморчилик соҳасида (санъат ва меъморчилик соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2022 йил учун истисно тариқасида 2 та иккинчи даражали Давлат мукофоти берилиши белгилансин):

Миртаджиев Джалалитдин Турсуновичга (мархум) – мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ва бир қатор хорижий мамлакатларда ишланган ҳайкалтарошлик асарлари учун;

Мухаммеддинов Нажимаддинга – “Гулла-яшна, Ўзбекистоним!” симфоник поэмаси, “Айжамал” балети ва “Гулойим” операсига ёзилган мусиқий композициялари учун.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2022 йил 12 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ АВТОБЕНЗИН МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ НАРХЛАРИ КЕСКИН ОШИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Куз-қиш мавсумида истеъмолчиларнинг автобензин маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида таъминлаш, уларнинг нархларини барқарорлаштириш ҳамда аҳолининг ортиқча сарф-харажатларини қисқартириш мақсадида:

1. Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 мартга қадар импорт қилинадиган, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулотини учун, истисно тариқасида, акциз солигини “ноль” ставкада қўллаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. 2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 апрелга қадар Энергетика вазирлиги хузурида-

ги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси томонидан, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишмасдан тадбиркорлик субъектларини уларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятига аралашмаган ҳолда энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари бўйича текширишга рухсат берилсин.

Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси ўтказиладиган текширувлар натижалари бўйича автобензин маҳсулотларининг ортиқча йўқотишларига ва талон-торожликларга йўл қўйган ман-

сабдор шахсларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жазо чораларини қўллаш, шунингдек, уларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдимномалар кириштириб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги “Юқори ликвидли ва монополь товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5031-сон қарори 1-бандининг “в” кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.Т.Мирзамахмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2022 йил 12 декабрь

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУДЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
12 декабрь куни Венгриянинг энг
йирик “ОТР” банки бошқаруви
раиси Шандор Чаньини қабул
қилди.

Олий даражадаги мунтазам учрашувларда эришилган келишувларга мувофиқ Венгрия компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Шандор Чаньини “Ипотека-банк” акцияларининг давлат улушини харид қилиш бўйича битим муваффақиятли якунига етказилгани ва Европанинг етакчи банк-молия институти Ўзбекистон бозорига кириб келгани билан самимий табриклади.

Учрашувда Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида, шу жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик ва паррандачилик, озиқ-овқат ва тўқимачилик, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга Венгрия ва Евроиттифоқнинг бошқа мамлакатларидан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, олий таълим ва профессионал кадрлар тайёрлашда, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини оширишда яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Қўшма лойиҳалар ва ҳамкорлик дастурларини қўллаб-қувватлаш ва илгари суришга доир биринчи галдаги чора-тадбирлардан иборат “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари хузурида “ОТР” банки томонидан “Ипотека-банк” акцияларининг давлат улушини сотиб олиш тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда



ГУМАНИТАР ҲАМКОРЛИК – ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ТАЖРИБА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимиздаги “Huatt Regency Tashkent” меҳмонхонасида МДХ Ижодкор ва илмий зиёлиларининг XV форуми бўлиб ўтди.

Форум доирасида Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Россия, Молдавия, Украина каби давлатлардан 200 га яқин делегатлар Ўзбекистонга таклиф этилди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек

Назарбеков очиб берди. Форум доирасида санъат, фан ва таълим соҳасидаги улкан ютуқлари учун берилган МДХнинг давлатлараро бош мукофоти – “Ҳамдўстлик юлдузлари” ва “Дебютлар ҳамдўстлиги” лауреатларини тантанали тақдирлаш маросими ўтка-

зилди. Шу ўринда “Ҳамдўстлик юлдузлари” халқаро даражадаги мукофот юрдошимиз Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировга ҳам берилганини алоҳида эътироф этсак арзийди. Форумда ҳамдўстлик мамлакатлари адабиёти-интеграциянинг янги механизмлари ва ҳамдўстлик давлатларнинг маданий мероси муҳокама қилинди.



Сергели туманидаги 300-сонли умумтаълим мактабида 4 та сектор раҳбарлари, ёшлар етакчилари ва ёшлар жамоаси учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув аввалида “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг иккинчи мавсуми Тошкент шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритган ёшларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг ёшлар ўз муаммо, таклиф ва ташаббуслари билан мурожаат қилишди.

Тадбирда 13 нафар ёш томонидан билдирилган мурожаатлар асосан, ўқув курсларига тўлов, паспорт олиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, IT соҳасида иш бошлаш, субсидиялар асосида уй олиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган ёшларнинг ордер олиш масалаларига доир бўлди. Барча мурожаатлар учрашувнинг ўзидаёқ ижобий ҳал этилди.



Янги ҳаёт туманидаги 2-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Унда мактаб ўқитувчилари, маҳалла фаоллари ва ўз соҳасида самарали меҳнат қилаётган тумандошлар таклиф этилди. Мактаб ўқувчилари томонидан намоиш этилган сахна кўринишлари ва ҳарбий оркестрнинг чиқишлари йиғилганларга байрамона кайфият улашди.

Миробод туманидаги “Янги Қўйлик” МФЙда истиқомат қилувчи Шаҳзода Жумаева Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган “Беш ташаббус” олимпиадасида спортнинг шашка тури бўйича Республика босқичида олтин медални қўлга киритди.



Яшнобод туманидаги “Катта Қўйлик” МФЙда 25 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар ўртасида маҳалла раиси кубоги учун спорт мусобақаси ўтказилди. Маҳаллада жойлашган 371-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг «Тарбиячи», 29-оилавий поликлиниканинг «Тиббиёт» ва 4-сектор хотин-қизларидан иборат «Маҳалла» жамоалари гимнастрада, дартс, волейбол, арқон тортиш, аргимчоқда сакраш, шашка, узунликка сакраш ва халқа айлантириш бўйича ўзаро беллашдилар.

Таъкидлаш жоизки мусобақада ҳар уччала жамоа ҳам фаол иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида «Тиббиёт» жамоаси ғолиб деб топилиб, мусобақанинг бош соврини бўлган кубокни қўлга киритди. Кейинги ўринларни эгаллаган жамоаларга диплом ва медаллар тақдим этилди. Саломатлик кунинида ўтказилган спорт мусобақаси маҳалла аҳолисида катта таассурот қолдирди.

Учтепа туман ҳокими ва сектор раҳбарлари туман ҳудудида жойлашган корхоналарда бўлиб, вақтинчалик электр, энергия ва табиий газни тежаш учун ўрганишлар ўтказишди. Ўрганиш натижасида 19 та корхоналар ҳисобига жами бир кунлик истеъмоли бўлган 35 840 кВт тежалишига эришилди. Яна 7 256 та хонадонга муқобил электр энергиясини етказиб бериш имконияти яратилди.



ҚАРИЯЛАРИ ҚАДРЛАНАЁТГАН ЮРТ

Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, бирор ишга қўл ураётганда ҳам уларнинг маслаҳатига қулоқ солиб, дуоларини олиш азал-азалдан халқимиз руҳиятига сингиб кетган улуғ қадриятларимиздан биридир.

Яккасарой туманида қуриб фойдаланишга топширилган Нурунийлар маскани ҳам ёши улуғларимизга кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиромнинг яққол далили дейишимиз мумкин. 2022 йил 10 декабрь туман нурунийлари хотирасида ёрқин из қолдирган санага айланди. Бир вақтлар кўримсизгина хароба бино ўрнида бугун саховатли тадбиркорлар ташаббуси билан кўп қаватли муҳташам иншоот қад ростлади.

Шу муносабат билан ташкил этилган очилиш маросимида сўз олган қариялар энг аввало, юртимиз тинчлиги ва фаровонлигини сўраб, дуо қилдилар. Мана шундай кексалари улуғланаётган юртда яшаётганликлари учун шукрона келтирдилар.

Бинода қариялар вақтларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, бу ерда тренажёр зали, стол теннис, шахмат ва шашка хоналари ҳамда шинамгина ошхона кексалар ихтиёрида. Китобсеварлар учун эса кутубхона ҳам ташкил этилган. Кексаларимизнинг соғлигини назорат қилиш мақсадида бино ичида тиббий хона фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, бир ойда икки мартаба кексалар саломатлиги тиббий кўриқдан ўтказилади. Бундан ташқари, масканда бувижонлар ва зиёли олимлар мактаби ҳам ташкил қилинган. Шунингдек, наққошлик сирларини ўрганиш истагида бўлган ўн нафар чин етим бола учун бепул наққошлик тўғараги ҳам ташкил этиш мақсад қилинган.

Тадбир давомида нурунийлар учун дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Туман рақс дасталари томонидан намоиш этилган концерт дастури йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Миржалол МАҲКАМОВ

“ИЛҲОМ” ТЕАТРИДА БАХТСИЗ ҲОДИСА

Кеча Шайхонтоҳур туманида жойлашган “Илҳом” театри биносида ёнгин содир бўлди, дея хабар бермоқда театр матбуот хизмати.

Маълум қилинишича, хабар Тошкент шаҳар ФВБга 03:34да келиб тушган. Шундан сўнг воқеа жойига 4 та ёнгин-қутқарув экипажи соат 03:39да етиб борган. Ёнгин 20 дақиқада бартараф этилган. Ҳодиса оқибатида театр биносининг 1-қават холл майдонининг 80 квадрат метр ички қисми билан биргаликда жиҳозлар ҳам зарарланган. Бинонинг 600 квадрат метр майдони ёнгиндан сақлаб қолинган.

Маълумот ўрнида: спектакллар тергов якунига қадар вақтинча тўхтатилган.

Депутат минбари



Сухроб Саифназаров: ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙЛИК

Ҳеч нарса қилмайдиган одамда қийинчилик бўлмайди

– Депутатлик фаолиятимгача деярли 20 йилдан бери тадбиркорлик билан шуғулланаман. 2022 йил январь ойида Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига фуқаролар томонидан сайландим. Очиғини айтиш керак, фаолиятим давомида қийинчиликларга дуч келаман. Бироқ, ҳаракат бор жойда, меҳнат қилган одамда ҳар доим қийинчилик бўлади. Ҳеч нарса қилмайдиган одамдагина ҳеч қандай қийинчилик бўлмайди. Халқнинг муаммосини ҳал қилиш, уларнинг бизга билдирган ишончини оқлаш учун эшиклар ёпилса, бошқа эшикдан, агар у ҳам ёпилса ойнадан кириб бўлса-да, максимал ҳаракат қиляпмиз. Доно халқимиз айтганидек “Ҳаракатда баракат”.

Чет эл “маданияти”

– Фаолиятим юзасидан кўп чет давлатларда бўлман. Сафар чоғида аҳамият бераман, эрталаб нонушта пайтида албатта газета олиб ўқишади. Уларда ҳам компьютер бор, уларда ҳам телефон бор, лекин бу нарса маданият даражасида шаклланган. Бу амалиёт мамлакатимизда камайиб кетмоқда. Ўқимишли газеталар сонини, мақолалар сифатини ошириш орқали халқимиз онгини тарбиялашимиз муҳим.

Энг қуйи тармоқлардан бошланган ислохот албатта натижа беради

– Депутатни халқ ишониб сайлаган, у халқнинг вакили. Ҳозир бизнинг қўлимизда жуда кенг имкониятлар бор. Йиллар давомида ўз ечимини излаётган муаммоларни ҳал қилганимизда аҳоли кўзида алангаланган ишонч бизни бундан-да яхши ишлашга ундайди. Ҳар бир шаҳар депутати ўз ҳудудидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиши учун йилига 2 млрд. сўмдан пул маблағи ажратилмоқда. Оқругимда жойлашган 547-мактабгача таълим муассасаси анча яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги ва бу аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётганлиги, йиллар давомида эътиборсиз қолаётганлигини аниқладим. Биз буюк келажакни албатта ёшлар билан биргаликда курашимиз. Уларнинг ёшлиқда олган билимлари ҳаётларининг кейинги босқичи учун замин яратади. Шу сабабдан ислохотларни энг қуйи тармоқлардан бошлашимиз керак, деб ҳисоблайман.

Муаммолар йўқ эмас, бироқ...

– Бугун мамлакатимизда халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида ҳар соҳада катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Албатта, муаммолар ҳам бор. Уларни йўқ дейиш ёки панжа орасидан қараш билан ечиб бўлмайди. Борини бор, йўғини йўқ, дейиш демократик мамлакат фуқаросининг вазифаси ҳисобланади. Муаммо борлигини кўрсатиб бериш керак, лекин унинг ечимини ҳам топиш керак. Бир марталик ёрдам беришдан кўра, унинг келажакда яна қайталанмаслиги учун истикболли лойиҳалар тайёрлаш ва халққа тақдим қилиш депутатлик фаолиятимнинг асоси ҳисобланади.

Умида
ҲАҚБЕРДИЕВА

Саифназаров Сухроб Исмоилович 1979 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Олий маълумотни Тошкент давлат иқтисодиёти университетида олган қахрамонимиз бир қанча чет давлатларда жумладан Кувайт, АҚШ каби ривожланган мамлакатларда ҳам ўз билимларини ошириб қайтган. Ҳали сайланганига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, халқ ишончини қозонган, халқ дардига дармон бўлаётган депутатлардан.



БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН МАЪЛУМОТЛАР ЁКИ НОЁБ ҲУЖЖАТЛАР

Халқимизнинг қадимий тарихидан сўзлайдиган ноёб ёдгорликлар ва маълумотларни асраш, ўрганиш, тадқиқ этиш ва келажак авлодларга етказиш гоят муҳим вазифа ҳисобланади.

Шу сабаб республикаимизда миллий маданиятимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, юртимиздаги тарихий обида ва ёдгорликларни қайта тиклаш, ўрганиш ва келажак авлодларга бус-бутун етказиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивида кўплаб ноёб ҳужжатлар сақланмоқда.

Шулардан бири давлат ва сиёсат арбоби 1959-2008 йиллар давомида бош вазир ва Вазирлар кенгаши раиси лавозимларида Куба ҳукуматини бошқарган Фидель Алехандро Кастро билан боғлиқ маълумотдир.

1978 йилда Фидель Кастронинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Зайниддин Фахриддиновнинг боғига боради.

Кастро лимончилик боғини айланиб, боғнинг раҳбари Зайниддин Фахриддиновга қуйидаги фикрларни билдиради:

– Куба – цитрус ўсимликлар Ватани бўлишига қарамай, ҳақиқий лимонни мен Ўзбекистонда Зайниддин Фахриддиновнинг боғида кўрдим. Энг қизиғи мазаси ҳамда у кишининг олиб бораётган ишларига қойил қолдим. Мен Зайниддин Фахриддиновни Кубага бориши ва биздаги лимон боғларининг миришкорларига ҳам ўзларининг қимматли маслаҳатларини бериб келишларини жуда-жуда истар эдим!

Мазкур маълумот Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивидан олинди





БУХОРОЛИК ЙИГИТНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ҚИСМАТИ

**Ўзбекистон халқ артисти
Теша Мўминов! Бухоролик!
Ўтган асрнинг 66-йилдан
бери Тошкентда! Азми
шаҳарга, пойтахтга бир
олам орзулари билан келган
ўша йигитча бугун 73 ёшда.
Умрини театрда, санъатга
боғлади ва бу йўлда ҳар
қанча машаққатлар
бўлмасин афсус чекмади.
Бугун бу инсон халқнинг
ардоғида, меҳрида,
эътиборида...**

**— Теша ака, эшитишимизча,
Тошкентга келишингиз ҳам, театрда
қолишингиз ҳам осон бўлмаган экан?**

— Олти фарзандини ерга қўйган ота-она учун тилаб олган зурриёдини ўзидан узоққа жўнатиш осон бўлмаган. “Ота, мен Тошкентда ўқийман”, деганимда кўнмаган. Лекин Бухоро театрининг санъаткорлари, устозларим уйимга келиб, отамга: “Ўғлингиздан зўр санъаткор чиқади, тўрт йил бир зумда ўтиб кетади, нима хизмат бўлса, мана биз бормиз”, деб кўплашиб руҳсат олиб берганлари эсимда... Тошкентга келдим ўқишга, ризқим Миллий театрда қўшилган экан, институтни битирмасимдан жамоа таркибига қўшилганман. Лекин отамга берган ваъдам, Тошкентдан Бухорога қайтишим керак. Аммо театр раҳбарияти ҳам мени қолишимни истади, отамни Тошкентга чақирдим ва театрда олиб келдим. Аммо отам: “Бухорони ташлаб келмайман, Теша мен билан кетади”, деб туриб олди. Такдирга тан бериб, отам билан чиқиб кетаётганимизда театр ҳовлисида Турғун Азизов, Икром Болтаевларни кўриб қолдик. Кетаётганимни билиб улар отамга: “Ота, ўғлингиз катта санъаткор бўлса, отасига раҳмат, онасига раҳмат, деб дуолар қилади, ҳали сиз бу фарзандингиз орқасидан ғурурланиб юрасиз”, деган. Шу сўзлар отамга таъсир қилиб мени пойтахтга ташлаб ўзлари Бухорога қайтганлар.

**— Бугун санъатга даъвогарлар
кўпайди... Уларнинг аксариятининг
сахна ва экран ҳақидаги хулосалари
жуда ғариб...**

— Санъат — бу меҳнат! Ғариб хулосалари билан экранни ҳам, сахнани ҳам ғариблаштираётганларни кўриб жаҳлим чиқади. Ҳамма соҳада ҳам бир фоиз истеъдод, тўқсон тўққиз фоиз меҳнат! Роса истеъдодлиман деб ҳеч нимани қойиллатмаганлар бор, ўз устимда ишлашим керак деб, туну кун изланиб, меҳнат қилиб майдонни эгаллаганлар қанча! “Сизларга мазза, шундоқ чиқиб ўйнайсизлар, тамом”, деб касбим ҳақида хулоса қилган

ларни ҳам кўрганман. Эсимда бор “Шоҳ Эдип” асарида халқ артистлари Шукур Бурхонов билан Сора Эшонтўраева бош ролларни ижро этарди. Шу спектаклнинг репетиция жараёнида Сорахон опа ролнинг қайсидир қисмини етказиб беролмадилар, кўп уриндилар. Шунда Сора Эшонтўраевадек улуғ санъаткор 72 ёшда “Нимага шу касбни танладим, нима учун артист бўлдим, роль чиқмаяпти?”, дея куйинганларини кўрганман. Тасаввур қилаяпсизми?! Ролнинг катта-кичиги бўлмайди, санъаткорнинг даражаси бўлади!

**— Ҳар бир актёрнинг
ташриф қоғозига
айланган образлари
бўлади. Сиз бу борада
жуда омадлисиз...**

— Аллоҳга шукр, менга катта роллар насиб этди. 1977 йилда илк ўзбек видеофильми “Кутлуг қон”да Йўлчи образини ўйнадим. Бу менинг тақдиримда катта воқеа бўлди. Намойишдан кейин одамлар мени исмим билан эмас Йўлчи деб чақира бошлаган. Ўша йиллари водий томонларда бир кекса отахон менга “Сизга уч насиҳатим бор, ҳеч қачон айниманг, меҳнатдан толманг, элнинг назаридасиз, доим ҳозиргидек камтар бўлинг” деб маслаҳат берган эди. Шухратга учмадим, манманлик қилмадим, меҳнатдан қочмадим, ҳаммаси учун Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсин. Ғофирни ўйнадим, бу ҳам бахт! Йиллар ўтиб Соҳибқирон Амир Темур образи насиб этди. Буларнинг барчаси ота-онамнинг розилиги, устозларнинг дуолари, халқнинг меҳри билан!

**— Устоз кўрмаган шогирд минг
мақомга йўрғалар, деган гап бор...
Бугун театрда келаётган ёшлар ҳақида
фикрингиз қандай?**

— Кунлардан бир куни Шукур Бурхонов мени ёнларига чақириб, “Бухоролик йигит, театрда бой бўлман, деб келган бўлсанг адашасан, бу ерда ўғрилик, муттаҳамлик кетмайди”, деди. Мен ҳайрон бўлиб: “Саҳнадан нимани ўғирлаш мумкин устоз?”, деб сўрадим. “Елғондан сўзни ёдлаб, сахнага чиқиб ўғрилик, ҳар бир чиқишинг воқеа бўлсин. Кулсанг халқ кўшилиб кулсин, йиғласанг, йиғласин, томошабинни сеҳрлай олсанг чиқ сахнага!” деган гаплари қулогим остида жаранглаб туради. Саволингизга келсак, шукрки, театрда ўқимагани, санъатдан

беҳабари келмайди. Бизнинг театрда устоз-шогирд аънаналари бор, ёшлар билан кўп суҳбатлашиб тураман. Эски устозларни эслаб, секин ўзимнинг насиҳатларимни берман. Устоз кўрмаганлар асосан сериалларда... Уларнинг ичида ҳам пичоққа илинадиганлари бор... Афсуски, кўнгилни гашлайдиганлари ҳам анчагина.


**— Фарзандларингиздан
Толибжон Мўминов сизнинг
йўлингиздан кетди...**

— Такдир мени ақли-хушли, хушфеъл фарзандлар билан сийлади. Ҳар бири олий маълумотли, оилали, уйли-жойли. Толибжон ҳам элнинг меҳрига тушган санъаткор. Унинг ҳар бир чиқиши, ижодидаги ҳар бир қадами мен учун ҳам имтиҳондек. Фарзандларимнинг жамиятда ўз ўрнини топишида, уларнинг аҳил-иноқлигида, меҳроқибатлилигида албатта умр йўлдошимнинг катта хизмати бор. Санъатдан топганларим шу оилам билан бутун! Рафиқам ҳам отамнинг, онамнинг дуолари

ни олган, уларга меҳр бериб, ҳурматларини жойига қўйган. Ҳар бир эркакнинг ёнида унга мадад бўладиган аёли бўлса бу унинг бахти!



КАРИМ ЗОКИРИЙ ВА УНИНГ ЗУРРИЁДЛАРИ...



Улуғлик нимада? Мансабдами ёки ортирилган мол-дунёдами? Балки кибрда, балки меҳради... Карим Зокирийдаги улуғлик — унинг маданиятида, маҳорати-ю самимиятида эди... Унинг овози осмон қадар, унинг ижроси юракдан юракларгача эди...

Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокирий Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг катта актёри бўлган.

1939 йилда қилган меҳнатлари ва маҳорати самараси ўлароқ Ўзбекистон халқ артисти унвонига лойиқ қўрилган. Карим Зокирийнинг умр йўлдоши, муҳаббати — Шоҳиста Саидова ҳам лобар аёл эди. У ҳам куйларди, у ҳам санъатга шайдо эди. Шоҳиста Саидова халқ куйлари, ланару ўланларини ёддан билар, уларни шунчаки куйламас, балки тарихи, яралиш сабабларини ҳам ўрганарди. Бу аёл нафақат бир оиланинг бекаси, севимли ёр, меҳрибон она балки Зокировлар сулоласининг бадий кенгайининг раисига ўхшарди.

Карим Зокирий ва Шоҳиста Саидоваларни тақдир тўрт ўғил ва бир қиз билан сийлади. Зурриёдларининг барчаси худди ота-онаси каби маданиятли ва санъатга ошуфта бўлиб улғайди.



Оиланинг тўнғич фарзанди Ботир Зокиров бекиёс истеъдоди билан нафақат Ўзбекистонда балки дунёнинг қатор мамлакатларида тилларга тушиб, санъат шайдаларининг меҳрини, эътиборини қозонди. У "Равно"си билан юракларга муҳаббат улашгани, "Умид" билан минглаб юракларга ситғиб кетгани рост... У шу қадар шошиб яшадик, 48 ёшигача қилган ижодий ишлари бутун бир ўзбек санъатида катта мактабнинг яралишига сабаб бўлди.

Бугун Ботир Зокиров ижоди, унинг санъат йўлидаги қилган ишлари ҳар бир авлод учун дастуруламалга айланди. Афсонавий санъаткор Ботир Зокиров фарзандларига умид билан Бахтиёр ҳамда Баҳодир деб исм қўйди. Тақдирни қарангки, улар ҳам отаси каби санъат йўлини танлади. Бахтиёр Зокиров кино ва театрда самарали ижод қилди, ўзига хос образлари билан тамошавин меҳрини қозонди. Афсуски, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Зокиров 43 ёшида хасталик сабаб дундан кўз юмди. Баҳодир Зокиров ҳам мусика, ҳам тасвирий санъат йўлида ижод қилмоқда.



Карим Зокирийнинг қизи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Луиза Зокирова ҳозир 83 ёшида. Унинг қизи Наргиз ҳам санъатда. Ижодини Тошкентда бошлаган Наргиз Зокирова бугун дунё сахнасини забт этди.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жамшид Зокиров ўзбек киноси ва театр санъатида самарали ижод қилди. Ранг-баранг образларидаги самимияти билан қабларда қолди. Жамшид Зокиров умр йўлдоши Гавҳар Зокирова билан мазмунли ҳаёт кечирди. Улар икки фарзанди — Жавоҳир Зокиров ҳамда Оҳиста Зокироваларни тарбиялаб, воёга етказди. Афсуски, даро сабаб бетақдор санъаткор — Жамшид Зокиров 63 ёшида бу ҳаётдан кўз юмди. Бугун Гавҳар ҳамда Жамшид Зокировларнинг фарзандлари ҳам санъатда. Оҳиста ўзига хос хонанда... Жавоҳир Зокиров эса актёрлик борасида ҳавас қилувчи маҳоратга эга. Унинг ижро этган роллари шунчаки ижро эмас. Жавоҳир Зокиров ўз қахрамонларини образ даражасига кўтара оладиган актёр!



Карим Зокирийнинг кейинги фарзандлари Науфал ҳамда Жамшид Зокировлар ҳам санъатни танлади. Афсуски, Науфал Зокиров узоқ ва сермазмун ижод қила олмади. Оғир хасталик бу инсонни 36 ёшида орамиздан олиб кетди. Фарзанд доғи отанинг ҳам, онанинг ҳам ака-укаларининг ҳам қаддини букди...

Шоҳистахоним ҳамда Карим Зокирийнинг кенжа фарзанди Равиан Зокиров. Қатор халқаро танловлар ғолиби, ҳозир ҳам сахнада! Равиан Зокировнинг ўғли бастакор Вағиф Зокировни бугунги давр ёшлари яхши танийди. У ҳам сулоланинг муносиб давомиши. Вағиф Зокиров ўша машҳур "Балалар" гуруҳида мазмунли ижод қилган.

Жавоҳир Зокиров, Гавҳар ва Жамшид Зокировларнинг ўғли:

— Фаррух амаким доим: "Жамшид отамга ўхшарди, кенгфеъл, одамхун... Отам ҳам Жамшидни бошқача яхши кўрарди. Одамлар ҳам доим Жамшид Каримнинг асл фарзанди, деб бошқача ҳурмат қиларди", деб отамни эслайди. Мен Карим додамни элас-элас эсламан... Ёшларни баянд, юзлари нураи одам эди. Шоҳиста бувимнинг эркатойи бўлганман. Тақдир, менинг ҳам пешонамга санъаткор бўлиш етган экан. Ёшлиқда балки сулоланинг залворини ҳис қилиш фўн тажрибам етмасандир, лекин ҳозир мен Зокировларнинг бир вақили сифатида ижод қилишга мажбурлигини билман.

Фаррух Зокиров, Ўзбекистон халқ артисти, Карим Зокирийнинг ўғли:

— Мен Карим Зокирийдек улуғ санъаткор, самимий бир инсонни фарзанди эканлигимдан фархланаман. Ботир Зокировдек аканинг укаси бўлганимдан гурурланаман. Менинг зиммамда катта юк бор, шу сулолага мос ва хос бўлиш! Юриш-туришида ҳам, ижодда ҳам, муомалада ҳам доим мана шу ҳақиқат мени яхши маънода назорат қилиб туради. Онам раҳматли жуда шаддод аёл бўлса, отам бир қадар мўмин одам эди. Ака-укалар ота-онамдан олган хислату фазилятлар билан халқнинг орасига кириб келдик.

Гавҳар Зокирова, Ўзбекистон халқ артисти, Карим Зокирийнинг келини:

— Ботир ака ниҳоятда маданиятли эди. Оиламизда бу инсоннинг айтган сўзлари қонун бўлган. Биласизми, баъзида қайнонам сал қаттиққўллик қилса, Ботир ака дарров жигарлари томон бўлиб оларди. Шунча обрў, шунча маҳорат билан бирон марта катта кетганини, кимгадир кибр билан сўзлаганини эшитмаганман. Асли Зокировлар шўхратпарост эмас. Қайнотам халқ артисти бўлса-да жуда содда, самимий инсон эди. Мана шу калталик санъати билан бирга фарзандларга мерос бўлиб қолди.

Зокировлар сулоласи! Катта мактаб, катта ижод маскани ва ўзига хос тарихий оила! Бу сулоланинг санъатга дахлдор вақили борки, ўзбек санъати хусусан киноси, мусиқаси, театри учун ўзининг муносиб улушини қўша олган. Карим Зокирий ҳамда Шоҳистахонимнинг муҳаббат ришталаридан бошланган бу сулола ҳали узоқ йиллар давомида санъат оламида ўзини намоён этаверади. Бойси, олмаларнинг тағига олмалар тушаверади, қондаги истеъдод авлоддан-авлодга ўтаверади...

Зебо ХОМИДОВА тайёрлади



Долзарб мавзу

СИЗДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ГАЗ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММО БОРМИ?

Маълумки, шу кунларда пойтахтимизнинг айрим туманларида электр таъминотида узилишлар ҳамда газ босимининг пасайиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Хўш, бунинг сабаби нимада ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш чоралари кўриляптими? Биз шу каби саволлар билан мутасаддиларга мурожаат қилдик.



Дурдона Шоҳмедова, “Худудий электр тармоқлари” АЖ Тошкент шаҳар филиали матбуот котиби:

– Республикамизга кириб келган совуқ ҳаво оқими, айти пайтда кўплаб худудларда қалин қор ёғиши ва ҳароратнинг кескин тушиб кетиши натижасида электр энергиясига бўлган талаб ҳам сезиларли даражада ортганини таъкидлаш жоиз. Ана шундай вазиятда магистрал газ қувурлари ва тармоқларида табиий газ босимининг кескин пасайиши кузатилиб, электр энергияси ишлаб чиқарувчи иссиқлик электр станцияларига белгиланган ҳажмлардан кам миқдорда табиий газ етиб бориши натижасида электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми ҳам мос равишда тушиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Маълумот ўрнида, декабрь ойининг дастлабки сўнгги кунинида шаҳар бўйича истеъмол ҳажми 301 млн. кВт. соатни ташкил этиб, бу ўтган йилга нисбатан 4.1 млн. кВт. соат ёки 1,3 фоизга кўплигини айтиш лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, хусусан, энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш ва электр энергия ишлаб чиқариш объеклари, юқори ва паст кучлишли электр тармоқлари ҳамда трансформатор пунктларида йирик авариялар вужудга келишининг олдини олиш мақсадида Республикаимизнинг турли худудларида электр таъминотида чекловлар киритилмоқда.

Ўз навбатида “Худудий электр тармоқлари” АЖ Тошкент шаҳар филиалининг барча таркибий қорхоналари ишчи-ҳодимлари томонидан жойларда содир бўлаётган аварияли ҳолатларни бартараф этишга қаратилган зарур чоралар тезкорлик билан кўрилувчи. Бунинг учун Тошкент шаҳар бўйича жами 94 нафар ходимдан иборат 47 та тезкор авариявий чиқиш бригадаси ҳамда уларга 58 та мах-

сус авариявий чиқиш машинаси ва техникалар сафарбар қилинган.

Жумладан, пойтахтимизнинг Олмазор, Чилонзор, Шайхонтохур, Юнусобод, Учтепа, Яшнобод, Миробод, Мирзо Улуғбек, Янги ҳаёт ва Сергели туманларида электр таъминотида узилишлар ёки авариявий ўчишлар содир бўлди. Натижада 21 та маҳаллалардаги 2720 та хонадонларга вақтинча электр энергиясини етказиб беришда чеклов киритилди. Узилишлар ва авариявий ўчишларни зудлик билан бартараф этиш ҳамда олдини олиш мақсадида тезкор бригадаси ҳамда 8 та автонарвон (автовышка), 2 та кран машина жалб этилиб, 3 та эксковатор орқали узилган симлар уланди, куйган кабеллар муфтлар ёрдамида тикланиб, истеъмолчиларга таъминот етказиб берилди. Яроқсиз ҳолга келиб қолган эҳтиёт қисмлари янгиланиб, иш фаолияти тўлиқ тикланди.

Кун давомида истеъмолчилардан электр энергияси таъминоти масаласида 939 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 903 таси тўлиқ бартараф этилди, 36 таси жараёнда.

Фурсатдан фойдаланиб, истеъмолчилардан ушбу вазиятни тўғри тушунган ҳолда, тармоқларда юзага келиши мумкин бўлган йирик аварияларнинг олдини олиш ҳамда энергия таъминоти барқарорлигини таъминлаш учун имкон қадар электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланишларини сўраймиз.

Ҳурматли электр энергияси истеъмолчилари, мазкур тармоқ билан боғлиқ ҳар қандай муаммоли вазиятда “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 24 соат давомида тўхтовсиз фаолияти йўлга 11-54 рақамли call-марказига мурожаат қилишингиз мумкин.



Фаррух Усмонов, “Худудгаз Пойтахт” газ таъминоти филиали директори ўринбосари:

– Ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши натижасида табиий газ истеъмолига бўлган талабнинг кескин ошиши “Худудгазтаъминоти” АЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖ билан тузилган шартнома параметрларида келтирилган газ босими етказиб берилмаётганлигига олиб келмоқда. Бу албатта вақтинчалик ҳолат бўлиб, газ босимини кўтариш бўйича барча саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туну кун навбатчилик хизматлари, ишчи гуруҳи штаблар тузилган. Тез орада мазкур камчиликлар бартараф этилади.

Газ босимини яхшилаш мақсадида Сергели тумани “Номданак” маҳалласидаги аҳоли хонадонларга қўшимча юқори босим ГТП ўрнатилди, 500 метр кичик ҳажмдаги газ қувури қатта ҳажмдаги газ қувурига алмаштирилди. Сергели тумани “Кумарик” маҳалласига қўшимча юқори босим ГТП қўйилди. Яшнобод туманидаги “Жарбоши” маҳалласига йўналтирилган Д-108 мм ли газ қувури ўрнига ҳажми катта d-219 мм ли 1.2 газ қувури қайтадан қурилди.

Юнусобод туманига 219 г/қ тик, Яккасарой туманига 100 метр қўшимча 89 мм қурилди. Янги ҳаёт туманидаги “Чоштепа” маҳалласи Ўзар 1, 2, 3, 4, 5, 7 ва 8-берк кўчаларида ҳам газ босимини яхшилаш мақсадида 2 дон ГТП ўрнатилди ва 300 дан ортиқ хонадонларда газ босими яхшиланди. Бундай ишлар пойтахтимизнинг барча туманларида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда “Худудгаз Пойтахт” газ таъминоти филиали ва унинг тумангаз таъминоти бўлимларида мурожаатларни қамайтириш мақсадида тасдиқланган жадвалларга мувофиқ шахсий ва сайёр қабулларни ўтказиш, мурожаатларни кўриб чиқишда қонун устуворлигини таъминлаш, мурожаатлар билан ишлашнинг аҳолини ўрганиб бориш ва иш юришни белгиланган тартибда ташкил этиш юзасидан назорат ишлари кучайтирилди.

Ҳурматли пойтахтимиз аҳолиси, агарда сизда газ босими билан боғлиқ муаммолар вужудга келаётган бўлса, (71) 202-11-04 рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

Бугун инсоният кундан-кунга тарққий этмоқда. Урбанизация ва саноатлаштириш ўсмоқда ва бу ҳол замонавий ҳаётнинг натижасидан. Бироқ саноат қанчалик ривожланмасин унинг атроф-муҳитга зарари ҳам шу тарзда ошиб бормоқда. Бу инсоният учун катта хавф тугдираётган ва айти пайтда глобал масалага айланган муаммодир. Ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ ҳал қилиш ва ушбу йўналишдаги стратегияларни аниқлаш учун кўплаб маҳаллий ва хорижий ташкилотлар ишламоқда.

Жумладан, Ўзгидромет Тошкент шаҳри ҳавоси кўрсаткичлари, атмосфера ҳавоси ифлосланиши тўғрисида маълумотларни эълон қилди. Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси кузатувлари шаҳарнинг 8 та туманида жойлашган 13 та кузатув пунктида амалга оширилади. Пунктлар шаҳар шароитидан келиб чиққан ҳолда, турли функционал худудларда, яъни турар жой, саноат, автомобиль йўллари олдида жойлаштирилган. Ҳаво ифлосланиши чанг, олтингугурт диоксида, азот диоксида, карбонат ангидрид, фенол, фторли водород, аммиак ва шу каби оғир металллар кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Бунинг

учун кузатув постларидан маълумотлар яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 7:00, 13:00, 19:00да ҳаво намуналари олинади.

Атмосфера ҳавоси ифлосланиши даражасининг интеграл кўрсаткичи – бу атмосферанинг ифлосланиш индекси (AI). У энг кўп миқдорда мавжуд бўлган 5 та модда бўйича ҳисобланади.

Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши даражаси стационар ва кўчма манбалардан ажралиб чиқадиган зарарли моддалар миқдорига боғлиқ. Ҳавога зарарли моддалар чиқарадиган асосий манбалар автотранспорт, саноат қорхоналари, қозонхоналар, металлургия қорхоналари.

Натижалар шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида азот диоксида, углерод оксиди, Яшнобод туманида чанг, углерод оксиди, азот оксиди, Мирзо Улуғбек туманида кўпроқ чанг, азот ва углерод диоксида, Чилонзорда азот диоксида, Миробод туманида фенол, азот диоксида, Сергелида формалдегид ва азот диоксида бир марталик максимал миқдори рухсат этилган меъёрлардан юқори эканлиги қайд этилган.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА

ҲАВО ИФЛОСЛАНИШИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?



ОНЛАЙН ҚИМОРДАН ҚАЧОН ВОЗ КЕЧАМИЗ?

Халқимизда ўт, сув ва тухмат балосидан асрасин, деган нақл бор. Шубҳасиз бу тилсиз душманлар инсон учун ниҳоятда хавфли ва вайронкор. Бунинг исботини ҳозирги Фарбий Европанинг сув тошқинидан кейинги ҳолат мисолида кўриш мумкин. Бироқ, бугунги кунда бу уч офат қаторига осон бойиб кетиш йўли, яъни онлайн қиморни ҳам қўшишимиз мумкин. Ўзбекистонда футболни ривожлантириш учун 2019 йилда онлайн қимор яъни букмекерлик сайтлари фаолиятига расман рухсат берилган эди.

Ҳаммаси мана шундан бошланди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, уйда тўрт-бешта ҳамтовокларини йиғиб қимор ўйнаганлар жиноий жавобгарликка тортилади. Лекин бунинг қонуний йўли ҳам бор. Смартфонингизда букмекер сайтга кириб, онлайн рўйхатдан ўтасиз, ҳисобингизни тўлдирасиз, ўйинга пул тикасиз ва ютқазасиз. Бу каби ўйинларда ютишингиз ягона чораси – ўйнамаслик!

Дастлаб кичикроқ суммада гаров тикасиз, ютишингизга бир баҳа

қолади. Шу тариқа букмекерлар сизга «азарт» беради. Кейин каттароқ миқдорда гаров тикасиз ва яна ютқазасиз. Энди эса ростманна букмекер зомбисига айланасиз. Топган пулингизни сайтга киритиб, ютқазаверасиз, ютқазаверасиз...

Сиз «азарт»га берилгансиз. Қандай йўл билан бўлмасин пул топиш ва гаровга тикиш, қимор ўйнаш кундалик ҳаётингиздаги юмушга айланиб қолади. Ёш йигитлар осон бойиб кетиш илинжида бу ўргимчак тўрига «ёпишиб» қолади ва ундан халос бўла олмайди. Энди халос бўламан, деб орта қараса, ҳавога совурилган пуллар ва бесамар сарфланган вақтининг адоғи бўлмайди. Катта ёшдаги инсонлар бир ой давомида ишлаб топган пулини лаънати ўйинга тикиб юборади. А ф с у с к и ҳозирги кунда аёлларимизнинг ҳам онлайн қимор ўйнаши ва гаровга тикиши ҳеч қанақасига ҳазм қилиб бўлмайди.

Мен ўйнаганман ва ютганман, ёшларнинг тилида «плюс»-даман дейишингиз мумкин. Бироқ бу қанча вақт давом этади? Букмекерларнинг ўз тактикаси бор. Улар сизга маълум миқдорда юти-

шингизга имконият беради ва кейинчалик ушбу суммани ўн, юз баробар қилиб чиқариб олади!

Масалага яна бошқа томондан ёндошсак, балки сиз ҳар куни ютгандирсиз. Лекин Ислом динида инсонларга маънавий ва моддий жи-

ниб қолади. Тез бойиб кетиш илинжида ҳаётнинг нақадар машаққатли йўл эканлиги, фақатгина тинимсиз меҳнат орқали муваффақиятга эришиши мумкинлигини ёддан чиқариб, англаб етмайди. Бунга мисол қилиб сирли дўстимиз билан



ҳатдан зарар берадиган ҳар қандай ҳолат қимор ман этилган. Қимор ўйнаш орқали орттирилган маблағ ҳаром ҳисобланади. Бу нафақат сизнинг, балки оилангиз, танишларингиз ва барча яқинларингизнинг уйдан қут-барақа, тинчлик-тотувлик йўқолишига сабаб бўлади. Деярли ҳар куни ижтимоий тармоқлар ва телевидениеда ушбу онлайн қиморнинг оқибатлари ҳақида турли хил кўнглини хира қилувчи хабарлар келиб туради. Булардан бири Самарқанд вилоятида содир бўлди. 18 ёшли, энди куч-қувватга тўлган, келажагини порлоқ қилиб курадиган ёшда бўлган йигит ўз жонига қасд қилиб, вафот этди.

Хўш, сабаби нима деб ўйлайсиз? Сабаби даҳшат. Онлайн қимор ўйнаб, ютқазган. Охирги йўл деб ўз жонига қасд қилган. Энди кўзингизни юмиб, қошингизни чимириб ўйлаб кўринг. Бу йигит қанча суммани ютқазганки, ўз жонига қасд қилишни афзал билса? Бу бизга чақирик, ёш авлодни футболни ривожлантираемиз деб йўқотяпмиз, йўқ қияпмиз. Онлайн қиморларнинг маънавий зарари шундан иборатки, ёшлар осон ҳаёт тарзига ўрга-

бўлган суҳбатни ушбу саҳифада эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ёш авлодни тўғри тарбиялаш, янги Ўзбекистоннинг келажагини порлоқ кўриш, дунёнинг етакчи давлатлари қаторида бизнинг давлатимиз номи ҳам бўлишини мақсад қилдикми, осон ҳаёт тарзидан, тез бойиб кетишдек сохта ва пуч гоёлардан воз кечишимиз даркор. Халқимизга моддий ва маънавий зарар берадиган иллатларни, онлайн қиморлар, букмекерлик сайтлари, казинолар фаолиятига юрти-мизда нуқта қўйишимиз лозим. Бу салбий машғулотларнинг зарарини ўрнини давлат тўлайдиган солиғи билан қоплаб бўлмайди. Сўзим сўнгида яна бир бор такрорлайман, ҳаётда муваффақият қозонмоқчимизми осон ҳаёт тарзидан воз кечайлик.

Бой бўлмоқчимизми?! Бунинг жавоби оддий, ҳамма ухлаган вақтида сиз ишланг, меҳнат қилинг. Ўз ишингиз устаси, етук кадр бўлганингизда муваффақият ва маблағ сизни ўзи излаб келади!

Маҳзуна
ВАЛИЖОНОВА



«Ёшим йигирмада. Мактабни битириб коллежга ҳужжатларимни топширдим... Коллежга бормай курсда ўқиб, олий таълим даргоҳига ҳаракат қиламан. Асосийси ота-онам, яқинларимнинг ишончини оқлайман, деб ўйлардим. Шундай қилиб коллеж талабаси ҳам бўлдим! Илк кунлари ўқишга бориб қўймасам, кейинчалик йўқлигим сезилиб қолармиш... Ҳа, майли, дея режаларни сал орқага сурдим. Ҳаммаси шундан бошланди... Қишлоқ шароитидаги коллеж ва «бошқачароқ» ўқитиш тизими – бу нуфузли лицейда ўқиб келган ва у ерда ҳам энг аълочи, кўзга кўринган ўқувчи учун бироз эриш туюларди. Гўё курсдошларим орасида ўзимни осмондан тушгандек ҳис қилардим. Эшитишимга қараганда 1-2 кундан сўнг улар орасида «АҚЛЛИ» деган лақабим тарқалибди. Улар билан пачакилашиб ўтиришга вақтим йўқ эди. Ягона мақсад – грант асосида ўқишга кириш! Кунлар ҳам бир маромда ўта бошлади. Курсдошларимга ҳам мажбурликдан кўникиб кетдим. Яқка юришдан зерикдим. Секин-аста ўзимга дўст орттира бошладим... Телефон қўлига ёпишиб қолган бир ошнам бор эди. Менимча, ухласа ҳам телефонини қўлидан қўймаса керак!

Душанба тонги... Яна ўша ўқиш... Яна ўша инсонлар... Нима ҳам қилардим, ўзимни мажбурлаб ўқишга келдим. Дарс бўладиган хонага кирсам шов-шув... Ҳамма курсдошлар ўша «телефон жинниси»ни осмонга отишяпти. Кейинчалик нима бўлганини билсам, онлайн ўйин орқали катта миқдорда пул ютиб олганмиш. Мендек ақлли бола бунга ишонармиди, албатта йўқ! Аммо эртаси куни у боланинг қўлида кўпларнинг орзусига айланиб улгурган сўнги урфдаги смартфонни кўриб, ҳайрон қолдим. Билсам, ростдан ҳам айтишганидек ўйин орқали ютиб олган пулингиз бир қисмига олган экан. Мени ҳам аста-секин ўйинга қизиқишим ортди... Ўрганишга киришдим ва тез ўзлаштириб олдим. Биринчи ўйинни ўзидаёқ 300 доллар тикдим. Уни икки баробар кўпайтириб олдим. Ўша пайт мендан бахтли одам йўқ эди. Омадни ҳам боғлаб бермас экан! Кейинги ўйинларда ҳам ғалабага оз қоларди, аммо ютқазардим... Коллежга нима мақсадда келганим тобора унутилиб борарди. Ўйинга тикишга пул қолмади, тўхтатишга уринардим-у, лекин ҳавога учирган пулларимни ўрнига қўймасдан тўхтатмасликка қарор қилдим. Сотишга арзийдиган ҳамма нарсамни сотдим, қарз ҳам олдим, уйдан пул, онамнинг тилла тақинчоқларини ҳам ўғирладим. Қарзларимни тўлай олмасдим. Булардан қутилишнинг ягона чораси ўлим деб ўйладим. Бу ишга қўл урмоқчи бўлдим... Жон ширинлик қилди... ва шу пайт ортга қарасам, самода қанот қоқаётган 3000 доллар ва «озгинагина» ортга сурилган режаларим билан ёлғиз қолган эдим!»

Хикоя

ҚИЗИЛ ПАЛЬТОЛИ ҚИЗ

Севги... Нима у? Қўл билан тутиб, кўз билан чамалаб бўлармикан? Ранги — булутлардек тиниқ ва тезда тарқаб кетувчи пармикан?! Бу ўй-хаёллар менинг онгу шууримни шу қадар қамраб олгандики, тушларимни ҳам "саҳналаштираддим"... Ширин хаёллар оғушидан оғолмай йилларни илғамай қолиш мумкинлигини тасаввур қилиб кўрганмисиз? Мен соатлар ёки кунлар ҳақида эмас йиллар ҳақида гапираяман...



Кеча кўзгуга қарадим... Юзларим силиқибди... Онам тўғри айтибди, кўп ишлаб ўзимни олдириб қўйибман. Кўзларимда қувонч бор, лекин уни бир қарашда илғаш қийин. Умид дегани ҳам беҳол кулаётганга ўхшайди... Айтганча, ҳозир қайси фасл... Утган куни деразадан баҳорнинг илиқ шаббодасини туйгандим. Бугун эса ҳавода қандайдир совуқ нафас бордек... Секин дераза пардасини кўтариб кўчага қарадим, тавба, шаҳарни оппоқ ўрик гуллари куршаб олганми? Бунча чиройли манзара... Баланд қаватли уйлاردан кўчани, одамларни кузатиш мароқли... Тўхта, нимага ҳамма баҳорга, ўрик гуллари монанд эмас... Телевизордан эшитилаётган таниш мусиқа фикримдан чалғитди, тўғрироғи одамларнинг менинг тасаввуримга монанд эмаслигини тушунтириб берди. Уфф, яна ўша сериал, энди уй бекалари ҳатто баъзи эркаклар бир ой яна ўшаларнинг дарди билан яшайди. Қайсидир фаслнинг сонатаси... Тўхта, ўтган куни баҳор, бугун қиш?! Унда ўртадаги ёз ва куз қаерга кетди? Ёки тақвимнинг икки фаслга аталган саҳифалари ёниб кетдимми?.. Кўзларимни юмдим ва тушундимки мен хаёлларга умр фаслларимни ем қилиб юборибман... Ёшим... Ҳар ҳолда ўн саккизда эмас, шукрки қирққа ҳали чиқмадим... Кутиб чарчадим, жуда чарчадим, менинг ёшим, турмушим ҳақида сўнги пайтларда ҳеч ким гапирмай қўйди, фойдаси йўқлигини тушунишган шекилли. Улар яъни оилам, яқинларим ва бошқалар мени ҳиссиз қари қизга чиқарган ва энг ёмони улар ичидан менинг ҳаётимда ҳеч қачон сеvgи бўлмаслигига қаттиқ ишонар эди. Тўғриси, қари қизлигимни билардим, аммо менга аталган муҳаббатга кимларнингдир аллақандай қийматсиз хулосаси тўсиқ бўлишидан кўрқардим.

Энг ёмони атрофимдагиларнинг шу хулосасига ўзим ҳам ишонишни бошлагандим. Биргина онам ҳали бахтли кунларим олдинда эканлигини айтар, тангри ўзимга ўхшаганини яратган, фурсати келиб албатта у билан учрашимни мендан ҳам кўп ишонарди...

Гардеробдан қизил пальтоимни олиб кийдим. Айтганча, бир ойдан буён шу пальтони кияман, қаранг либосларим алмашгану, хаёлларим ўша ўша содиқлигича қолган... Бугун оқ пальтоимни кияман...

Бекатда автобус кутиш ҳар доим ҳам ёқимли эмас, лекин бугун ич-ичимдан кутишга шайман. Энтикиш, нимагадир ҳаяжонланиш... Назаримда 35 ёшда бундай хаёллар галати... Биров ўйларимни ўқиб олишидан кўрқдим. Яхши ҳам оқ кийганим, агар қизил пальтони кийганимда бекатда оловдек ҳамманинг назарига илинардим...

— Нимага бугун қизил пальтоингизни киймадингиз?..

Кутилмаганда берилган саволга нима деб жавоб беришни билмадим. Зум ўтмай жавобдан олдин саволни ким бергани муҳимлиги хаёлимга келди. Секин ёнимга қарадим. Қора курт-када, баланд бўйли, кўзлари хиёл қисқикроқ бир йигит турарди.

— Тушунмадим? — дедим унга...

— Оқ ҳам сизга ярашар экан... — деди у.

— Биламан, ярашмаганини киймайман, — дедим бироз кўполлик билан. Тўғриси, шу онда нотаниш билан қандай оҳангда бўлмасин суҳбатлашиш ёқарди. Қулоғимга унинг овози ёқарди.

— Бир ойдан бери ўша пальтоингизга маҳлиёман, — дея ҳазил билан энгил табассум қилди у.

— Атиги бир ойми, мен уч йилдан бери унинг "асириман", — дедим кулиб.

— Келинг, бугун ўша автобусга чиқмайлик, қолаверса ишингиз бошланишига ҳали икки соатча бор. Вақтли бориб яна столингиз олдидаги ойнадан узооооқларга термулиб, бировларни илғамай ўтирасиз, — деди ва "юринг", дегандек йўл бошлади.

Дастлаб нима дейишни билмадим, аммо бу эртақчининг сюжети менга маъқул бўлаётган эди... Эргашдим...

Орадан кунлар ўтди. Бекатга бир-бир ярим соат эрта чиқиб, Нотаниш билан пиёда юриш аста-секин одатга айланди. Аслида тиш шифокори бўлган бу йигит мени айнан қизил пальтоим сабабли ёқтириб қолибди. Кўзларимдаги қувонч, умид бўйларини ўстираман, ташвишларингизга елка, кўз ёшларингизга қафтимни тутиб, сизни юрагимда асрайман, деган ваъдалардан йироқ, оддий жуда оддий суҳбатлашардик. Севги-муҳаббат ҳақида сўз йўқ эди, аммо менда ўша туйғу ниш ураётганди. Эҳтимол йиллар давомида шундай суҳбатдошга интиқлигим сабаб Нотанишга боғланиб қолаётгандирман, деб ўйлардим. Энг ёмони 35 ёшимда кимгадир алданиб қолиш, тўғрироғи ишончимнинг чил-чил синиши ҳақидаги ташвиш эди...

Тақвимга қарадим... 18 декабрь! Янги йилга оз қолди... Мен бу йил билан жуда илиқ хайрлашаман. Агар шу йил келмаганида Нотаниш билан учрашардим...

... Бекатда уч соатча қолиб кетдим. Бурчакда майда-чуйда сотиб ўтирган аёл менга қайта-қайта қараб, охири қарамай қўйди. Тавба, у ҳам Нотаниш билан танишлигимни билади шекилли, уни кутаётганимни сезаяпти, дейман ўзимга-ўзим... У келмади... Бирон иши чиққандир ёки беморлари кўпайган. Совуқ одамларнинг юрагидан аввал милкига таъсир қилади-ку, дея ўзимни юпатдим. Ишга боргим келмади. Уйга қайтдим ва яна уни ўйладим...

Уч кун ўтди. 22 декабрь. Нотаниш қизил пальтоимни яхши кўришини билганим учун атайлаб оқини кияётгандим. Бугун қизилни кийдим. Яна қайтадан унинг назарига тушиш истаги қалбимнинг туб-тубидан бош кўтаргани учун...

Автобусларни ўтказиб юбордим... Телефоним қўлимда... Қўнғирок қилишга ийманаман... Шу пайт биров "Ишонма, кутма, эркак зотини тупроғи шу...", деди. Пистачи аёлнинг гапи жаҳлимни чиқарди. Оғиз жуфтлаб жавоб қайтармоқчи эдим аёл гапиргани қўймади. "Умримнинг ярмини шу бекатда ўтказдим. Қанча одамларни кўрдим... Яқинда эликка кираман, турмуш курганимга ўттиз йил бўлди. Болаларим бор, эрим бор. Аммо ҳаётимдан кўнглим тўлмади... Писта сотганим, кун бўйи бекатда ким нима харид қиларкин деган ўйлардан эмас, бу тириклик гами... Мени бошқа нарса қаритди... Эътиборсизлик, биласанми

эрим менга бир марта бўлса-да гул совға қилмаган, бир марта бўлса-да ресторанга таклиф қилиб, бирга тушлик қилмаган. Ҳатто оқшом чоғлари ўн беш йигирма дақиқа пиёда шунчаки юрмаганмиз ҳам... Мана шулар алам қилади...", аёлнинг дарди ҳар қанча ўринсиз бўлмасин, менга таъсир қилди... Хайрлашмай, секин бекатдан кетдим.

... Уйга борсам онам хурсанд. Уй ичига сиғмайди, мени кўриб кўзлари ёшланди. "Қизим келдингми, ўтира чой ич..." онамга йўқ, дегандек ишора қилдим ва онамга кириб кетдим...

Менинг кунларим яна аввалгидек ҳувиллаб қолди. Паға-паға ёғаётган қорлар юрагимни босиб қолаётгандек эди. Энди бекатга бормасдим, ишга такси билан қатнай бошладим. Қизил пальтоимни тахлаб, шкафнинг энг узок бурчагига беркитиб ташладим...

Тақвимнинг охириги йиртилган ва рағи 22 декабрь... Бирма-бир йиртиб, бугунги санага етиб келдим... 31 декабрь. Янги йил келади. Бу йил унинг бошқача келишига ишонгандим. Афсуски, ўтган йиллардан фарқсиз яна қанотсиз хаёллар билан келади... Қани эди уни тўхтатиб қолсам... Мен тўхтатиб қолсам, бошқа бир янги йилга, янги кунларга интиқаётганлар нима қилади?..

Оилавий дастурхон... Ҳамма хурсанд, тилаклар айтилмоқда... Шу пайт телефоним жиринглади. Яширин рақам... "Алло, дедим секин ўз онамга ўтиб..." "Ким бу?", "Мен Қорбобоман" деган жавоб энсамни қотирди. "Менга қорбобо керак эмас", дедим тўнғиллаб. "Менга Қорқиз керак", деди кулиб. "Уэр, мен қорқиз эмас, қари қизман", дедим аламли жилмайиб... "Нимага ундай дейсан, оч эшигингни, сенга совға олиб келдим"... Бу Нотанишнинг овози эди... Хурсанд бўлиб кетдим аммо зумда жаҳл оти келди. Лекин эшикни очиб, уни кўриш истаги ҳаммасидан устун эди. Қўлларим қалтираб эшикнинг зулфини бурадим. Рўпарамда қизил кийимли, серсоқол Қорбобо турарди. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, жиянларим учун чақирилган Қорбобони уйга таклиф қилдим. У қопини кўтариб меҳмонхона томон юрди... Зумда уйимиз қийқириққа тўлиб кетди, болалар, ҳатто катталар ҳам хурсанд эди. Энг қизиғи ҳамманинг қўлида совғаси бор... Мен хона эшигига суянганча уларни кулиб кузатардим...

"Бу совғам сенга", Қорбобо менга яқинлашиб қўлимга кичкина қизил қутича берди. "Бобожон мен сизни кутаётган ёшдан ўтганман, совғангизни бошқа болаларга олиб қўйин", дедим энсам қотиб. "Ола қол, энди, илтимос, қўлимни қайтарма", деди меҳмон. "Хафа бўлма-ку, жуда шилқим чол экансиз", дедим жаҳлим чиқиб. "Бурнинг қизариб кетди, совғани олда, мен кетгач қизил пальтоингни кийиб, кўчага чиқ", дея Қорбобо кўзларимга қаради. Менга меҳр билан термулиб турган бобожоннинг кўзлари хиёл қисқикроқ, бўйлари баландроқ эди...

"Амма совғангизни очинг, нима экан, Қорбобони зўрини чақирибсиз ҳаммага совға берди..." жиянларимнинг овози хаёлларимни бир жойга йиғди. Атрофга қараб Қорбобони топа олмадим, шоша-пиша қутичани очдим. Унинг ичида эса узук турарди... "Вой, тиллами, тилла узукми..." катта жияннинг хайратига эътибор қилмай шкафимнинг бурчагига ётган қизил пальтоимни кийишга ошиқдим... Кўзларимдан тўкилаётган қувонч юрагимда йиғилган зангларни юварди. Қишдан, қизил пальтодан, пистачи хотину ва яна бошқалардан миннатдор эдим... Мен ўтказган йилларимдан миннатдор кайфиятда кўзлари хиёл қисилган, баланд бўйли Қорбобо — Нотанишим олдида ошиқардим...

СЕВДО



TOSHKENT OQSHOMI

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
Қабулхона (71) 233-61-10
Реклама (71) 233-28-95

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақами билан рўйхатга олинган

Нашр учун масъул
Х.ТЕМИРОВ

Тошпириш вақти 00:55
Тошпириш вақти 03:50
Буюртма - 820

МУАССИС:
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Севдо НИЁЗОВА

"NISO POLIGRAF" МЧЖ босмахонаси.
Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани,
"Машъал" маҳалласи, Марказий кўчаси, 1-уй

Ҳажми — 2 босма
табоқ, офсет усулида
босилди. Адади 500,
нусха қозғоқ бичими А3

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди

